НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
__________ А.К.Киргизбаев
202__ йил “30” 08 ______

# УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА
## ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Таълим

Таълим соҳаси: 110000 – Таълим

Таълим йўналиши: Барча бакалавриат таълим йўналишлари учун

| Фан/модуль коди UmPed208 (бакалавриат) | | Ўқув йили 2022-2023 | Семестр 3, 4 | Кредитлар 8 | |
|---|---|---|---|---|---|
| Фан/модуль тури Мажбурий | | Таълим тили Ўзбек/рус/қозоқ | | Ҳафтадаги дарс соатлари 4, 4 | |
| 1. | Фаннинг номи | | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
| | Умумий педагогика | | 120 | 120 | 240 |

2. **I. Фаннинг мазмуни**

**Фанни ўқитишдан мақсад** – бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогик фанининг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимлар билан қуроллантириш, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талаблар асосида узлуксиз таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маданият ва техникани намоён эта олишга ўргатиш.

**Фаннинг вазифаси:**

– талабаларни миллий ва инновацион педагогик фаолиятни самарали ташкил этишга ўргатиш;

– ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонинуят ва тамойиллари билан таништириш;

–ўқувчилар билан олиб бориладиган коррекцион иш йўналишлари ҳамда ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни ўқитиш ва ривожлантириш мазмунини ўзлаштириш;

–миллий ва жаҳон педагогик фикрлари тараққиёти билан таништириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

–глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва ҳудудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш;

–талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштиртиришларига эришиш.



**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**1-модуль. “Педагогика назарияси”.**

1-мавзу. **Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари. Таълим тизими ва турлари.

2-мавзу. **Педагогика шахс тарбияси ва ривожланиши тўғрисидаги фан. Илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси ва методлари**

Педагогика фани ва унинг асосий категориялари. Педагогика фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Педагогик фанлар тизими. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси. Илмий-педагогик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

3-мавзу. **Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви**

“Индивид” ва “шахс” тушунчаси. Шахс ривоҳланишининг ижтимоийлашув билан алоқадорлиги. Шахс ривожланишида ирсият, муҳит ва тарбиянинг тутган ўрни. Шахс ривожланишининг ёш ва психологик хусусиятлари.

**4-мавзу. Яхлит педагогик жараён**

Яхлит педагогик жараён тушунчаси ва унинг тузилиши. Педагогик жараён қонуниятлари ва тамойиллари. Педагогик жараёнда тарбиянинг моҳияти ва мақсади.

5-мавзу. **Дидактика – педагогик таълим назарияси. Ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида**

Таълим назарияси (дидактика) педагогиканинг таркибий қисми сифатида. Дидактиканинг мақсад ва вазифалари. Таълим жараёнининг моҳияти. Ўқитиш ва ўрганиш жараёнлари тавсифи, ўқув жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва унинг тузилиши. Таълим тамойиллари ва қонуниятлари.

6-мавзу. **Таълим мазмуни**

Илмий-техник жараён ва таълим мазмуни. Ҳозирги вақтда таълим мазмунини белгилашга доир асосий ғоялар. Таълим мазмунини белгилаб берувчи меёрий ҳужжатлар. Компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандарти. Янги авлод дарсликларини яратишга қўйила-диган талаблар. Дарсликдаги ўқув материалларини тизимлаштириш тамойиллари.

7- мавзу. **Таълим методлари ва воситалари**

Таълим методлари ва усуллари тушунчалари. Замонавий дидактикада таълим методлари таснифига турлича ёндашувлар. Таълим методларининг моҳияти. Интерфаол таълим методлари. Эвристик методлар. Таълим методларини танлаб олиш шартлари. Таълим воситалари ва уларнинг функциялари. Интерактив дастурий воситалар.

8- мавзу. **Таълимни ташкил этиш шакллари ва турлари**

Таълимни ташкил этиш шакллари тушунчаси ва таълим турлари. Дарснинг турлари ва тузилиши. Ностандарт дарслар. Таълимни ташкил этишнинг

ёрдамчи шакллари. Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши.

9-мавзу. **STEAM таълим (STEAM Education)**

**STEAM** – Science (фан), Technology (технология), Engeneering (инженерия), Mathematics (математика) ўқитиш: ҳаёт таълими (STEAM Learning: Education for life). Трансверсал ва тажрибага асосланган таълим (Tranversal and experiental knowledge). STEAM – шахс ривожининг ижодий аспекти. Art (санъат) – STEAM концепцияси: Music (мусиқа) – STEMM, Reading (ўқиш санъати) – STREAM. STEAM таълим дастурлари. STEAM технологияларнинг аҳамияти. Геймификация: ўйин орқали ўргатиш (gamifasion: learning through play).

10-мавзу. **Иқтидорли ўқувчиларни ўқитиш (Education of gifted children)**

Замонавий иқтидорлик концепцияси. Иқтидорли бола шахсининг ўзига хосликлари. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш. “Ноосфера” модели асосида иқтидорли ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш. ТРИЗ ва АРИЗ. Президент мактаблари. Ижод мактаблари.

11-мавзу. **Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш**

Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳияти. Ўқув жараёнида назорат ва ҳисобга олиш функциялари. Таълим олганликни ташхис этиш тамойиллари. Ўқув фаолияти натижаларини ҳисобга олиш турлари, шакллари ва методлари. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари.

12- мавзу. **Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни. Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари**

Тарбия тушунчаси, тарбиянинг мақсади ва умумий вазифалари. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари. Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари.

13- мавзу. ***Жамоа тарбия объекти ва субъекти сифатида***

Жамоа тушунчаси. Ўқувчилар жамоасини шакллантиришнинг моҳияти ва ташкилий асослари. Ўқувчилар жамоасининг ривожланиш даражаси ва босқичлари. Ўқувчилар жамоаси ривожининг асосий шарт-шароитлари.

14- мавзу. **Тарбиянинг умумий методлари**

Тарбия методлари ҳақида тушунча. Тарбия методлари таснифи. Ижтимоий онгни шакллантириш методлари. Фаолиятни ташкил этиш ва ижтимоий хулқ-атвор меёрларини шакллантириш. Педагогик рағбатлантириш ва хулқ-атворни тузатиш методлари. Тарбия методларини танлаб олиш шартлари.

15- мавзу. **Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш. Ақлий тарбия.**

Мустақил фикрлаш, илмий дунёқараш ва миллий ғояни шакллан-тириш ўқув-тарбия жараёнининг таркибий қисмлари. Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришнинг таркибий қисмлари. Ақлий тарбиянинг мақсади ва вазифалари. Ақлий тарбия воситалари. Иқтисодий тарбия – ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришнинг таркибий қисми сифатида. Ўқувчиларнинг экологик тарбияси.

16-мавзу. **Фуқаролик тарбияси.**

Фуқаролик тарбиясининг мақсад, вазифалари ва методлари. Ўқувчиларга фуқаролик тарбиясини бериш жараёнида Давлат рамзлари (Мадҳия, Герб,



Байроқ)дан фойдаланиш. Ватанпарварлик ва байналминаллик тарбиясининг мақсад, вазифалари ва методлари. Ҳуқуқий тарбия. Ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш – фуқаролик тарбиясининг таркибий қисми.

17-мавзу. **Мафкуравий тарбия.**

Мафкуравий тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Мафкуравий тарбия шакл, метод ва воситалари. Мафкуравий тарбия технологияси. Нейролингвистик дастурлаштириш технологияси.

18-мавзу. **Маънавий-ахлоқий тарбия.**

Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Маънавий-ахлоқий тарбия шакл ва методлари. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни. Ўқувчиларда онгли интизомлиликни тарбиялаш.

19-мавзу. **Ўқувчиларнинг меҳнат, жисмоний ва эстетик тарбияси.**

Меҳнат тарбияси мақсад ва вазифалари. Меҳнат тарбиясининг мазмуни ва методлари. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Жисмоний тарбия воситалари. Эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Эстетик тарбия воситалари.

20-мавзу. **Ўқувчиларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш**

Ахборот истеъмоли маданияти: мазмуни ва моҳияти. Шахсий ахборот хавфсизлиги. Ўқувчиларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш методлари. Ўқувчиларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш технологияси.

21- мавзу. **Таълим муассасаси менежменти**

Таълим муассасаси менежменти ҳақида тушунча. Таълим муассасасини бошқариш. Таълим муассасаси Устави – раҳбарлик ва бошқарув тизимини аниқловчи ҳужжат. Таълим муассасасининг ички бошқаруви. Таълим муассасасида методик ишларни ташкил этиш. Таълим сифати мониторинги.

22-мавзу. **Халқаро баҳолаш дастурлари (Programme for the International Assesment)**

Халқаро баҳолаш дастурларининг меёрий асослари. Халқаро баҳолаш дастурлари методологияси. **PISA** – ўқувчиларни таълимий ютуқларини баҳолаш халқаро дастури. **PIRLS** – матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот. **TIMSS** – мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг. **ISILS** – компьютер ва ахборот саводхонлиги бўйича халқаро тадқиқот

23- мавзу. **Коррекцион педагогика асослари**

Коррекцион педагогика педагогик фанларнинг тармоғи сифатида. Коррекцион (махсус) педагогиканинг асосий вазифалари, тамойиллари ва методлари.

Аномал болалар ва уларнинг умумий тавсифи. Ақлий ривожланиши, эшитиш, кўриш, нутқида нуқсони бор болалар. Ўзбекистон Республикасида аномал болаларнинг ижтимоий ҳолати.

24-мавзу. **Инклюзив таълим (Inclusive education).**

Инклюзив таълим сиёсатининг ҳуқуқий асослари. Инклюзив таълим

тамойиллари. Муваффақиятли инклюзия ресурслари. Инклюзиянинг компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичлари. Инлюзив таълим вариант-лари: доимий, тўлиқ; доимий, нотўлиқ; вақтинчалик, қисман; эпизодик; масофавий таълим. Мактабгача таълим муассасасида инклюзив таълим. Имконияти чекланган болалар учун махсус шарт-шароитлар яратиш. Инклюзив жараённи бошқариш. Индивидуал таълим дастурлари. Инклюзив таълимнинг махсус усуллари. Имконияти чекланган болаларни кўллаб-кувватлашнинг педагогик методлари. Инклюзив таълим шарои-тида тюторлик амалиётини ташкил этиш.

**2-модуль. "Педагогика тарихи".**

1-мавзу. **Педагогика тарихи фан сифатида. Ибтидоий жамоада тарбия. Энг қадимги даврлардан VII асргача таълим-тарбия ва педагогик фикрлар**

**"Педагогика тарихи" фанининг мақсад ва вазифалари.** **"Педагогика тарихи"** фани ғояларининг кишилик жамияти тараққиёти билан ўзаро алоқадорлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таълим-тарбия жараёнида миллий мерос, педагогик қадриятлардан самарали фойдаланишнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида. Таълим-тарбия ва педагогика тарихини даврлаштириш муаммолари.

Энг қадимги даврлардан VII асргача таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиёти. Энг қадимги ёзма манбаларда таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

2-мавзу. **VII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача Ўрта Осиёда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар**

Ислом динининг тарқалиши ва унинг таълим-тарбияга таъсири. Мусулмон мактаблари ва унда таълим-тарбия мазмуни. Диний китобларнинг тарбиявий аҳамияти. Қуръони Карим – ахлоқий-фалсафий таълимотлар манбаи. Ҳадис илмининг пайдо бўлиши. Муҳаддислар (Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Исо ат-Термизий ва бошқалар)нинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси.

3-мавзу. **Шарқ Уйғониш даврида педагогик фикрларнинг ривожлланиши. Шарқ Уйғониш даврида таълимий-ахлоқий фикрлар ривожи.**

IX-XI асрлар – Шарқ Уйғониш даври. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг дидактик қарашлари. Абу Наср Форобийнинг асарларидаги педагогик фикрлар. Абу Райҳон Берунийнинг илмий-педагогик қарашлари. Абу Али ибн Сино тарбия ва таълим ҳақида.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк" асарида таълим-тарбия масалалари. Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билик" асари – пандномa асар сифатида. Аҳмад Юғнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" асарида дидактик қарашлар. Кайковуснинг "Қобуснома" асарининг тарбиявий аҳамияти.

4-мавзу. **XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда Мовароуннаҳрда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожи**

Ижтимоий ҳаётнинг таълим-тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожига таъсири. Сўфийлик таълимотининг маънавий ҳаётга таъсири. Мовароуннаҳрда Амир Темур томонидан марказлашган давлат барпо этилиши ва унинг фан, маданият ва маърифат ривожига қўшган ҳиссаси. Мирзо



Улуғбекнинг педагогик ғоялари ва маърифатпарварлик хизматлари. Улуғбек даврида мактаб ислоҳоти. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг педагогик фикрлари.

Алишер Навоийнинг асарларида тарбия ва инсонпарварлик масалалари. Навоийнинг мактаб ва мадрасалар ривожига қўшган ҳиссаси. Навоийнинг ўқитувчи (мударрис) тўғрисидаги фикрлари. Абдураҳмон Жомийнинг педагогик қарашлари. Жалолиддин Давонийнинг ахлоқий қарашлари. "Ахлоқий Жалолий" асарининг педагогик фикрлар ривожидаги ўрни.

5-мавзу. **XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожи**

Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида таълим-тарбия. Мактаб ва мадрасаларда таълим мазмуни. Қизлар мактаби ва унда таълим мазмуни. Мунис Хоразмийнинг "Саводи таълим" асари – ҳуснихатга доир дастлабки қўлланма сифатида. Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг "Одоб ас-солиҳин" асари – юксак маънавий-ахлоқий сифатларни ёритувчи манба.

6-мавзу. **XIX асрнинг 2-ярми – XX асрнинг 1-чорагида Туркистон ўлкасида тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар.**

XIX асрнинг 2-ярмида Туркистонда мактаблар тизими. Чор Россиясининг таълим сиёсати. Туркистонда мактаблар тизими. В.П.Наливкиннинг таълим ривожидаги хизмати. Туркистонда рус мактабларининг очилиши. Ерлик аҳоли учун рус-тузем мактабларининг ташкил этилиши. Туркистонда жадидчилик ҳаракати. Янги усул мактабларининг очилиши. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурийларнинг янги усул мактабларини ташкил этишдаги маърифатпарварлик хизматлари.

7-мавзу. **1924-1991 йилларда Ўзбекистонда таълим тизими ва педагогик фикрлар ривожи.**

Туркистон ўлкасида таълим сиёсати. 1924-1945 йилларда таълим ва педагогика фани. 1945-1991 йилларда Ўзбекистонда таълим тизими ва педагогика фани ривожи.

8-мавзу. **Мустақил Ўзбекистон таълим тизими. Мустақиллик йилларида педагогик фикрлар ривожи**

Мустақил Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги Қонун – Республикамизда таълим-тарбияни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида. Мустақиллик йилларида педагогик фикрлар ривожининг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида жамият ривожининг маънавий-ахлоқий негизлари ва юксак маънавиятли шахсни шакллантиришга доир концептуал фикрларнинг ифода этилиши. Ўзбекистон Республикаси ривожининг янги босқичида таълим-тарбия ислоҳотлари: Ш. М. Мирзиёевнинг таълим-тарбияга оид фикрлари.

9- мавзу. **Энг қадимги даврлардан XIX асрнинг биринчи ярмида жаҳон педагогика фанининг ривожланиш тарихи. Я.А.Коменскийнинг педагогик назарияси.**

Қадимги Шарқ, Қадимги Юнонистон, Қадимги Рим давлатларида мактаб

ва тарбия. Қадимги Юнонистон файласуфлари тарбия тўғрисида. Қадимги Римда педагогик ғоялар ривожи. ХИИ асрда Россияда педагогик адабиётларнинг нашр этилиши. Рус педагог-олимларининг педагогик ғоялари. Ғарбий Европада мактаб ва педагогик фикрлар. Иоганн Генрих Песталоцсининг дидактика ва бошланғич таълим методикасига қўшган ҳиссаси. Адолф Дистервегнинг ривожлантирувчи таълим назарияси. Й.А.Коменскийнинг педагогик назарияси.

10-мавзу. **ХИХ асрнинг 2-ярми – ХХ асрда жаҳон педагогика фанининг ривожи. К.Д.Ушинскийнинг педагогик мероси.**

XIX асрнинг охири – ХХ асрда Ғарбий Европа, АҚШ, Россияда реформаторлик педагогикаси ва унинг асосий йўналишлари. М.В.Ломоносов ва унинг рус педагогикаси ва мактаблар ривожидаги ўрни. Л.Н.Толстойнинг педагогик қарашлари. К.Д.Ушинский педагогика фани ва тарбиянинг аҳамияти тўғрисида. К.Д.Ушинскийнинг дидактик қарашлари ва педагогик мероси.

11-мавзу. **Ҳозирги даврда жаҳон мамлакатлари таълим тизими ва педагогика фани ривожи.**

ХХ аср жаҳон таълим тизимидаги глобал тенденциялар. Иқтисодий ривожланган давлатлар таълим тизими. Таълим моделлари. Халқаро лойиҳалар ва таълим дастурлари.

**3-модуль. “Педагогик маҳорат”.**

1-мавзу. **Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари**

Педагогик фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида педагогик фаолиятни ташкил этишга қўйилган талаблар. Педагогик фикрлар таққиётида ўқитувчи маҳорати масалалари.

2-мавзу. **Педагогик маҳоратнинг асосий компонентлари**

Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисмлари.

3-мавзу. **Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият**

Қобилият ва педагогик қобилият ҳақида тушунча. Педагогик қобилиятнинг турлари ва уларнинг тавсифи. Педагогик қобилиятни шакллантириш йўллари.

4-мавзу. **Коммуникатив малакалар ва таъсир кўрсатиш.**

Коммуникация ҳақида тушунча. Коммуникация методлари. Ўқитувчининг коммуникатив малакаси. Коммуникатив таъсир этиш йўли. Ўқитувчининг коммуникатив маданияти. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятини ривожлантириш йўллари.

5-мавзу. **Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси.**

Педагогик мулоқот ҳақида тушунча. Педагогик мулоқотнинг тузилиши ва методлари. Педагогик мулоқот услублари. Мулоқот маданияти. Педагогик низо ва унинг сабаблари. Педагогик низоларнинг олдини олиш йўллари.

6-мавзу. **Педагогик такт ва педагогик этика.**

Такт ва педагогик такт ҳақида тушунча. Тактика ва педагогик тактика.



Педагогик тактни қўллаш шартлари. Этик категориялар. Педагогик этика ва педагогик этикет. Педагогик фаолиятда муомала этикаси.

7-мавзу. **Педагогик техника ҳақида тушунча. Педагогик техникани шакллантириш методикаси.**

Педагогик техника ҳақида тушунча. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари. Мимика. Пантомимика. Ўқитувчининг педагогик техникасини шакллантириш йўллари.

8-мавзу. **Нутқ техникаси ва маданияти.**

Нутқ ҳақида тушунча. Нутқнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни. Нутқ маданияти ҳақида тушунча ва унинг асосий элементлари. Нутқ техникаси: нафас олиш, товуш, дикция, ритмика. Лексик маданият. Ўқитувчининг нутқ малакасини шакллантириш йўллари.

9-мавзу. **Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш.**

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишнинг моҳияти. Ўқитувчининг кун тартиби ва иш ўрни. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш тамойиллари. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишнинг асосий йўналишлари.

10- мавзу. **Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш.**

Oʻz-oʻzini tarbiyalash va oʻz ustida ishlashning mohiyati. Oʻz-oʻzini tarbiyalash va oʻzini oʻzi takomillashtiri yoʻllari.

11- мавзу. **Педагогика тажрибани тўплаш тизими.**

Илғор педагогик тажрибани тўплашнинг мақсади. Педагогик маълумотларни ажрата олиш ва уларни тўғри танлай олиш қобилияти. Ўрганишда материаллар тўплаш. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва уларни гуруҳлаш методлари.

**III. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар.**

Семинар машғулотларида талабаларда назарий ўзлаштирилган билимлар мустаҳкамланади ҳамда амалиётда қўллаш кўникма ва малакалари ҳосил қилинади.

**“Педагогика назарияси”** модули бўйича семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими.
2. Педагоглик касби ва унинг вазифалари.
3. Педагогика фан сифатида. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
4. Ўқувчи шахси тарбиянинг объекти ва субъекти сифатида.
5. Таълим жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари.
6. Таълим мазмуни.
7. Таълим методлари ва воситалари.
8. Дарс – таълимни ташкил этишнинг асосий шакли.
9. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш.
10. Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотлар.
11. Ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш – миллий тарбиянинг бош мақсади.
12. Жамоанинг шахс тарбиясига таъсири. Синф раҳбарининг тарбиявий иши.

13. Тарбиянинг умумий методлари.
14. Иқтисодий ва экологик тарбия.
15. Фуқаролик тарбияси.
16. Маънавий-ахлоқий тарбия.
17. Оила тарбияси.
18. Ўқувчиларнинг жисмоний ва эстетик тарбияси.
19. Таълим муассасаси менежменти.
20. Таълим муассасасида методик ишларни бошқариш.
21. Коррекцион педагогика асослари.
22. Инклюзив таълим технологияси.

**"Педагогика тарихи"** модули бўйича семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Энг қадимги ёзма ёдгорликларда таълим-тарбия масалалари.
2. Ҳадис илми ва унинг тарвиявий аҳамияти.
3. Абу Наср Форобийнинг педагогик ғоялари. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия ҳақида.
4. Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий ва Аҳмад Югнакийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари. Кайковуснинг "Қобуснома" асари ва жувонмардлик тарбияси.
5. Мирзо Улуғбекнинг педагогик ғоялари ва таълим ривожидаги хизматлари.
6. Абдураҳмон Жомийнинг таълимий-аҳлоқий қарашлари. Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари.
7. Жадид маърифатпарварларининг педагогик қарашлари.
8. Абдулла Авлонийнинг педагогик қарашлари.
9. Янги Ренессанс педагогикаси.
10. Ян Амос Коменскийнинг педагогик тизими.
11. Константин Дмитриевич Ушинскийнинг педагогик тизими.
12. XX аср жаҳон таълим тизимидаги глобал тенденциялар.

**Амалий машғулот бўйича кўрсатма ва тавсиялар.**

Амалий машғулотларда талабаларда педагогик маҳоратни намоён этиш кўникма ва малакалари таркиб топтирилади.

**"Педагогик маҳорат"** модули бўйича амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Педагогик қобилиятни шакллантириш йўллари.
2. Коммуникатив малака ва педагогик таъсир кўрсатиш.
3. Педагогик низолар ва уларни олдини олиш йўллари.
4. Педагогик такт ва педагогик этика.
5. Педагогик техника: мимик ва пантомимик маҳорат. Нутқ техникаси асослари: нафас олиш ва овоз..

**IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар.**

Мустақил таълим мазмуни маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мавзулари асосида шакллантирилади. Бироқ мустақил таълим кўпроқ маъруза ва семинар машғулотларида ўрганилмаган масалаларни ўз ичига қамраб олади.



Мустақил таълим асосида ўқиб-ўрганилган масалалар фан бўйича оралиқ ва якуний назорат ишлари саволларида ўз аксини топади.

- Мустақил таълимни тайёрлашда мазкур фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:
- дарслик ва ўкув қўлланмалар бойича мавзуларни конспектлаш-тириш;
- адабиётлар асосида реферат ёзиш;
- китоб ва мақоллаларга аннотация ёзиш;
- Интернет тармоғидан ахборотлар излаш ва таҳлил этиш.

**"Педагогика назарияси"** модули бўйича тавсия этиладиган мустақил таълимнинг мавзулари:

1. Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг хуқуқий мақоми.
2. Яхлит педагогик жараён ва унинг этаплари.
3. Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви.
4. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
5. Ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида.
6. Таълим қонуниятлари ва тамойиллари.
7. Таълим мазмуни.
8. Таълим методлари ва воситалари.
9. Таълим турлари ва таълимни ташкил этиш шакллари.
10. Дарс – таълимни ташкил этишнинг асосий шакли.
11. STEAM таʼлим.
12. Таълим олганликни ташхис этиш.
13. Халқаро баҳолаш дастурлари.
14. Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни.
15. Ўқувчилар жамоаси – яхлит педагогик жараённинг асосий шакли.
16. Синф раҳбарининг тарбиявий иши.
17. Тарбиянинг умумий методлари.
18. Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш.
19. Ўқувчиларнинг ақлий тарбияси.
20. Иктисодий тарбия.
21. Экологик тарбия.
22. Фуқаролик тарбияси.
23. Ватанпарварлик тарбияси.
24. Хуқуқий тарбия.
25. Ғоявий тарбия.
26. Нейролингвистик дастурлаш технологияси.
27. Маънавий-ахлоқий тарбия.
28. Меҳнат тарбияси.
29. Жисмоний ва эстетик тарбия.
30. Оила тарбияси асослари.
31. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими.
32. Таълим муассасаси менежменти.
33. Ўқувчиларда ахборот маданиятини шакллантириш технологияси.
34. Коррекцион педагогика асослари.

**"Педагогика тарихи"** модули бўйича тавсия этиладиган мустақил

таълимнинг мавзулари:

1. "Энг қадимги ёзма манбаларда таълим-тарбияга оид фикрлар.
2. Халқ педагогикаси – илмий педагогиканинг асоси.
3. Имом Ал-Бухорийнинг педагогик ғоялари.
4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг дидактик ғоялари.
5. Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашлари.
6. Абу Райҳон Берунийнинг педагогик қарашлари.
7. Маҳмуд Қошғарийнинг педагогик қарашлари.
8. Аҳмад Яссавийнинг педагогик ғоялари.
9. Умар Ҳайёмнинг таълим-тарбияга оид фикрлари.
10. Амир Темур ўгитларининг тарбиявий аҳамияти.
11. Мирзо Улуғбекнинг педагогик ғоялари ва маърифатпарварлик фаолияти.
12. Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари.
13. Жалолиддин Давонийнинг ахлоқий қарашлари.
14. Мунис Хоразмийнинг "Саводи таълим" асарининг дидактик аҳамияти.
15. Ҳусайин Воиз Кошифийнинг ахлоқий қарашлари.
16. Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг педагогик қарашлари.
17. Анбар Отиннинг педагогик фикрлари.
18. Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг педагогик қарашлари.
19. 1924-1991 йилларда Ўзбекистонда таълим тизими ва педагогик фикрлар.
20. Ўзбекистон Республикаси ривожининг янги босқичида таълим-тарбия ислоҳотлари.
21. Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш ҳақидаги концептуал ғоялар.
22. Қадимги Спарта ва Афина мактабларида таълим-тарбия.
23. Ян Амос Коменскийнинг педагогик ғоялари.
24. Иоганн Генрих Песталотссининг педагогик ғоялари.
25. Адольф Дистервегнинг ривожлантирувчи таълим назарияси.
26. К.Д.Ушинскийнинг педагогик ғоялари.
27. Л.Н.Толстойнинг педагогик қарашлари.
28. XX аср жаҳон таълим тизимидаги глобал тенденциялар.
29. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида таълим тизими.

**"Педагогик маҳорат"** модули бўйича тавсия этиладиган мустақил таълимнинг мавзулари:

1. Педагогик фикрлар ва мактаблар тарихида ўқитувчи маҳорати масалалари.
2. Педагогнинг касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни.
3. Акмеологик қобилият.
4. Коммуникативлик компетентлик.
5. Педагогик мулоқат тизими ва уни ташкил этиш технологияси.
6. Педагогик низоларни бартараф этиш технологияси.
7. Ўқитувчининг ўқувчилар билиш фаолиятини бошқариш маҳорати.
8. Ўқитувчининг тарбиявий ишларни ташкил этиш маҳорати.
9. Педагогик имидж.
10. Педагогик рефлекция.
11. Педагогнинг режиссорлик ва актерлик маҳорати.
12. Нутқ техникаси: нафас олиш ва товуш.



| | |
|---|---|
| | 13. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратнинг асосий шарти сифатида.<br>14. Ўқитувчининг индивидуал иш услуби. |
| **3.** | **V. Фанни ўқитишнинг натижалари (шаклланадиган компетенциялар).**<br>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба қуйидаги компетенцияларга эга бўлади:<br>• таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари; педагогиканинг илмий-назарий асослари, педагогик фикрларнинг ривожланиш тараққиёти, педагогик маҳоратнинг илмий асослари, педагогик маданият ва техниканинг моҳияти, ўқув жараёнини ташкил этишнинг метод ва шаклларига қўйилган замонавий талаблар; таълим олувчилар шахсини ривожлантириш омиллари, ёш даврларининг ўзига хосликлари; яхлит ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш; тарбия жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари; педагогик менежментнинг моҳияти ва ўзига хосликлари, коррекцион педагогиканинг асосий йўналишлари; этнопедагогика, буюк алломалар, педагог, олимларнинг таълим билан боғлиқ энг яхши ғояларини таҳлил қилиши, таққослай олиши лозим;<br>• миллий ғоя ва асосий педагогик қонуниятлар ҳамда тамойилларга асосланган ҳолда ўқув-тарбия ишларини ўтказиш; таълимни ташкил этишнинг асосий шаклларини амалиётда қўллаш; таълим ва тарбия методлари, воситаларини амалиётда қўллаш, аниқ вазиятлар учун уларнинг қулай вариантларини танлаш; ўқув ва тарбия жараёнида ўқувчилар жамоасини самарали бошқариш; ўқувчилар хулқи ва фаолиятини рағбатлантириш; педагогик мақсадларга эришишда эгалланадиган билимларни танлаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва уларни технологик шаклда тақдим этиш, аниқ шароитларда таълим-тарбияга доир амалий вазифаларни ҳал этиш, жаҳон мамлакатлари таълим тизими ривожига доир маълумотларни таҳлил этиш ва тизимлаштириш, ўқувчи шахси ва ўқувчилар жамоаларини ўрганиш, таълимда орқада қолиш сабабларини аниқлаш, мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш, ўз-ўзини бошқара олиш, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлаш қобилиятига эга бўлиши зарур;<br>• психологик-педагогик адабиётлар билан ишлаш; зарур методик йўриқномалар тузиш; самарали педагогик тадқиқотлар ўтказиш; педагогик технология ва ахборот технологияларидан фойдалана олиш; тарбиявий ишни режалаштириш ва амалга ошириш; гуруҳ жамоасининг психологик муҳитини ва аудитория билан муносабатда индивидуал, шахсий ва ёш имкониятларини ҳисобга олиш, истиқболдаги ривожланиш ва талаб этиладиган натижага эришишни стратегик режалаштириш, педагогик вазифаларни ҳал этишга доир стандарт бўлмаган ёндашувларни излаб топиш лаёқатига эга бўлиши лозим. |
| **4.** | **VI. Таълим технологиялари ва методлари:**<br>• интерфаол маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ташкил этиш технологияси;<br>• модулли таълим технологияси;<br>• муаммоли таълим технологияси; |

| | |
|---|---|
| | • кооператив таълим технологияси;<br>• рефлексив таълим технологияси;<br>• арт-технологиялар;<br>• веб-квест;<br>• чизма-тасвирий моделлар (мантиқий граф, фрейм модели, таянч конспект, семантик тармоқ, интеллект карта). |
| 5. | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>• маъруза ва амалий машғулотларда мунтазам қатнашиш: мунозаралар ва ўқув конференциясида иштирок этиш; таянч конспектлар тузиш;<br>• жорий ва оралиқ назорат топшириқларини бажариш;<br>• мустақил иш топшириқларини бажариш;<br>• якуний назорат топшириш. |
| 6. | **Асосий адабиётлар**<br>1. Xodjayev B.X. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyoti. Darslik – T.: SANO-STANDART, 2017.<br>2. Xodjayev B.X., Choriyev A., Saliyeva Z.T. Pedagogik tadqiqotlar metodologiyasi. Darslik. – T.: IQTISODIYOT DUNYOSI, 2018.<br>3. Ro'ziyeva D.I., Tolipov O'.Q. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – T.: INNOVATSIYA-ZIYO, 2019.<br>4. Mutalipova M.J., Xodjayev B.X. Qiyosiy pedagogika. Darslik. – T.: TDPU, 2015.<br>5. Юзликаева Э., Мадьярова С., Янбарисова Э., Морхова И. Теория и практика общей педагогики. Учебник. – Т.: ТГПУ, 2014.<br>6. Қалдыбекова А.С. Жалпы педагогика. 1.Педагогика теориясы – Т.: Fan va texnologiya, 2019, - 245 б.<br>7. Қалдыбекова А.С. Жалпы педагогика. II Педагогика тарихы. Педагогикалық шеберлік. – Т.: Fan va texnologiya, 2019, - 332 б.<br>8. Pedagogika / Nopedagogik oliy ta'lim muassasalari uchun darslik. U.Inoyatov, N.Muslimov, D.Ro'zieva, M.Usmonboeva. – T.: TDPU, 2013.<br>9. Yuzlikayeva E., Axmedova M., Qurbonova G., Sh.Tashmetova. Umumiy pedagogika. Darslik. – T.: TDPU, 2012.<br>10. Pedagogika. // M.Toxtaxodjaevaning umumiy tahriri ostida. Darslik – T.: O`zbekiston Faylasuflari Milliy jamiyati, 2010.<br>11. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. – М.: ВЛАДОС, 2003.<br>12. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс: Учебник для студ. пед. вузов: В 2 кн. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2006.<br>13. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996.<br>14. Hashimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. – T.: O`zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005.<br>15. Халиков А.А. Педагогик маҳорат. Дарслик. – Тошкент, Иқтисод молия, 2012.<br>16. Якушева С.Д. Основы педагогического мастерства. Учебник. – Москва.: |



| | |
|---|---|
| | Академия, 2012.<br>17. Omonov N.T., Madyarova S.A. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – T.: Iqtisod–moliya, 2009.<br>18. Маҳмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.<br>19. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: "Fan va texnologiyalar" нашриёти, 2006.<br>20. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Сайланма. –Т.: Ўқитувчи,1997.<br>21. Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, Curriculum and Culture. USA, 2012 Routledge.<br>22. Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. Australia, 2011 Continuum.<br>23. Heather Fry, Steve Ketteridge, Stephanie Marshall. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education. USA, 2009 Routledge.<br>**Қўшимча адабиётлар:**<br>1. Xasanboev J, To'rakulov X., Xaydarov M., Hasanboeva O. Pedagogika fanidan izohli lug'at. – T.: Fan va texnologiya, 2008.<br>2. Kaldibekova A.S. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyotidan laboratoriya mashg'ulotlari. – T.: "Fan va texnologiya" nashriyoti, 2013.<br>3. Niyozov G ., Axmedova M. Pedagogika tarixidan seminar mashg`ulotlari. – T.: NOSHIR, 2011.<br>4. Нишонова С. Комил инсон тарбияси. – Т.: Истиқлол, 2003.<br>5. Ma'naviyat yulduzlari (Markaziy Osiyolik mashhur siymolar, allomalar, adiblar). – T.: A.Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 1999.<br>6. Kagan,S. Cooperative learning. 2nd ed. San Clemente, CA:Kagan Publishing, 1994.<br>7. Hartlej I. Stratedies from Programmed Instrukctionanal Technologj.-London, 2006, 179 r.<br>8. Heckhausen H. Motivation und Handeln. Berlin: Springer, 2011 – 244 p.<br>9. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. – Казань: КГУ, 1996.<br>10. Андреев В.И. Педагогика: Учебный курс для творческого саморазвития. 2-е изд. Казань: Центр информационных технологий, 2003. – 608 с.<br>11. Деркач А.А. Акмеология. – М.: РАГС, 2004.<br>12. Коджаспирова Г.М., Коджаспиров А.Ю. Педагогический словарь. – М.: Академия, 2003.<br>13. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. СПб.: Питер, 2009.<br>14. Педагогический энциклопедический словарь. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002.<br>15. Педагогика: Большая современная энциклопедия / Сост. Е.С.Рапацевич.– Минск: «Современное слово», 2005.<br>16. Чернявская А.П. Педагогическое мастерство: Учеб. пособие.- Ярославль, ЯГПУ, 1997.<br>17. Рогов Е.И. Личность учителя: теория и практика. –Ростов-на-Дону. – Феникс. –1996. |

| | |
|---|---|
| | 18. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал. – М.: Дело, 1994.<br>**Ахборот манбалари**<br>1. www. tdpu. uz<br>2. www.pedagog. uz<br>3. www. Ziyonet. uz<br>4. www. edu. uz<br>5. tdpu-INTRANET. Ped |
| **7.** | **Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан ишлаб чиқилган ва университет Кенгашининг 2022-йил “ ___ ” ____ даги “ ___ ”-сон Қарори билан тасдиқланган.** |
| **8.** | **Фан/модуль учун масъуллар ва дастур муаллифлари:**<br>1. Ходжаев Бегзод Худойбердиевич – педагогика фанлари доктори, профессор.<br>2. Калдибекова Анаргул Сотбаровна – педагогика фанлари номзоди, профессор.<br>3. Исаев Илья Фёдорович – Россия Федерацияси Белгород миллий тадқиқотлар университети Белгород педагогика институти “Педагогика” кафедраси профессори, п.ф.д<br>4. Ютта Стадоп – Германия Бонн педагогика университети, “Умумий дидактика ва мактаб педагогикаси” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори. |
| **9.** | **Тақризчилар:**<br>1. Олимов Ширинбой Шарофович – БухДУ кафедра мудири, педагогика фанлари доктори, профессор.<br>2. Бозорова Муслима Қодировна – ТерДУ кафедра мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент |

Кафедра мудири: [signature] Б. Ходжаев